# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2018 йил 26 январь, № 17 (6975) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 25 январь куни "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилғи материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳволи, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, нефть-газ саноати соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти фаолияти такомиллаштирилди.

Углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтиришнинг 2021 йилгача бўлган дастури ва уни амалга ошириш механизмлари тасдиқланди.

Мамлакатимизда ер ости бойликлари кўп. Уларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Хўш, юртимиз бойликлари халқимизга қандай манфаат келтирмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

2017 йилда нефть ва газ конденсати қазиш, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режа бажарилган. Лекин тармоқда йиллар давомида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган.

Захиралар ошириб борилмагани сабабли 2017 йилда табиий газ қазиш ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози етарли даражада бажарилмаган. Геология-қидирув жараёнидаги бурғилаш ҳажми бўйича прогноз 77 фоиз бажарилган. Агар бу ишлар тўлиқ адо этилганида захирани янада ошириш мумкин бўлар эди.

Шунингдек, эксплуатацион бурғилаш ишлари прогнози 49 фоиз ва қурилиши тугатилган қудуқлар сони прогнози 53 фоиз бажарилган, холос.

Табиий газ қазиш қувватлари ҳамда тарқатиш тармоқларини модернизация қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳам етарли даражада эмас. Бунинг оқибатида газ қазиб олишдан бошлаб, уни истеъмолчига етказиб бергунча ушбу табиий бойликнинг 6 фоизи йўқотилмоқда.

Президентимиз шу каби камчиликларни танқидий таҳлил қилар экан, углеводород захираларини ошириш ва қазиб чиқаришни кўпайтириш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Геология-қидирув ишлари давлат дастурига мувофиқ, янги конлар очиш орқали 2018 йилда табиий газ захирасини 57 миллиард куб метрга, нефть ва конденсат захирасини 3,6 миллион тоннага кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда 63 миллиард куб метр табиий газ, 3 миллион тонна нефть ва конденсат қазиб олишни таъминлаш учун 255 та янги қудуқ ва 26 та янги технологик объектни қуриш ишларини якунлаш, 76 та қудуқни капитал таъмирдан чиқариш лозимлиги қайд этилди.

"Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан 2 миллиард 756 миллион долларлик 24 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу маблағлар Жиззах нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этиш ва замонавий технологиялар билан таъминлаш, Қандим газни қайта ишлаш комплексининг 2-навбати ва Қандим конлар гуруҳини жиҳозлаш, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш, Сурхондарёдаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида қидирув ишларини олиб бориш ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш каби лойиҳаларга йўналтирилади. Мазкур 24 йирик лойиҳанинг 9 таси бу йил амалга оширилади.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг ярмидан кўпи нефть-газ соҳаси ҳиссасига тўғри келиши, сарфланган ҳар бир доллар иқтисодий фойда келтириши зарурлиги таъкидланди.

Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан, маҳсулот тақсимлаш келишувлари ва қўшма корхоналар шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳанинг логистика йўналишларини диверсификация қилиш, хом ашё импорти ва маҳсулот экспорти нархларининг арзонроқ бўлишини кафолатлайдиган транспорт йўлаклари ва тарифларини аниқлаш, энергия истеъмолини тежаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Газ тақсимлаш тизими жисмонан эскиргани ва истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришда йўқотишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда юқори ва ўрта босимли газ тақсимот тизимини ривожлантириш, автотранспортларни газга ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, истеъмолчиларнинг энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш маданиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Нефть-газ соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг кредит рейтингини аниқлаш ишларини жадаллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича зарур ҳужжатлар қабул қилиш ва белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси тасдиқлансин.*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 январь
№ ЎРҚ—462

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва туб ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатди:

**биринчидан,** касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда об-ҳаво шароитлари туфайли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан оммавий равишда дарс машғулотларини қолдиришларига сабаб бўлмоқда;

**иккинчидан,** касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти касб-ҳунар коллежлари таълим йўналишларига жавоб бермайдиган ўқув устахоналари ташкил этилишига, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келди. Касб-ҳунар коллежлари моддий-техник жиҳозланишининг ўртача даражаси бугунги кунда атиги 56 фоизни ташкил этади, 31 та касб-ҳунар коллежида ўқув устахоналари умуман мавжуд эмас;

**учинчидан,** етарли даражада молиялаштирилмаганлиги натижасида касб-ҳунар таълими тизими учун зарур бўлган кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмади, дарсликларнинг 50 фоизи рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинмаган, амалдаги дарсликлар бирор марта янгиланмаган;

**тўртинчидан,** касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолганлиги, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари учун белгиланган қабул квоталарида меҳнат бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинмаслиги битирувчиларни ишга жойлаштиришда қийинчилик туғдирмоқда;

**(Давоми 2-бетда).**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



### ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг биринчи устувор йўналишидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 25 январда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини сифат жиҳатидан ислоҳ этиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Чунончи, парламент аъзолари иккинчи ўқишда «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Лойиҳа давлат харидларини тартибга солувчи ҳамда амалдаги мавжуд қарама-қаршиликларни ва эскирган нормаларни бартараф этишга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир кучига эга ягона қонун ҳужжатини ўзида касб этади.

Қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида эксперт бирлашмаси билан маслаҳатлар олиб борилди. Депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Бош прокуратура, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бизнес, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан биргаликда қонун лойиҳаси охирги таҳрири ишлаб чиқилди. Ушбу соҳадаги халқаро тажриба ўрганилди.

Мажлисда таъкидланганидек, маромига етказиш жараёнида қабул қилинаётган қонуннинг амалий аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Коррупцияга қарши курашишга йўналтирилганлик, давлат харидлари бозорида тадбиркорлик субъектларининг ҳалол рақобатли кураши учун шароитлар яратиш, ушбу соҳада давлат ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини таъминлаш мақсадида давлат харидларини электрон шаклга ўтказиш лойиҳа қоидаларининг муҳим жиҳатларидир.

Депутатларнинг фикрига кўра, ушбу қонуннинг қабул қилиниши бюджет маблағларидан ва бошқа марказлаштирилган манбалардан, кредит ресурсларидан Ҳукумат кафолати остида имкон қадар самарали ҳамда оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Бундан ташқари, давлат сектори маъқул муддатларда «нарх — сифат» ўртасида мақбул нисбат бўлган ҳолда зарур товарлар, ишлар ва хизматлар билан таъминланади.

**(Давоми 4-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фуқароларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг барча қатламлари тиббий хизматдан фойдаланиши учун шароит яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017 йилда тез тиббий ёрдам хизмати учун 1269 та ихтисослаштирилган автотранспорт харид қилинди ва бу ҳудудларнинг ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имконини берди, тез тиббий ёрдам хизматини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш эса 2 баравар кўпайди.

Шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг ташкилий асослари шакллантирилганига қарамай, ҳанузгача унинг самарадорлиги замон талабларига жавоб бермайди, тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси етарли эмаслигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4985-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, шу жумладан, тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги, самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, мулкий шакли ва бошқарувидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул кўрсатилади;

ҳаёт учун хавф туғдирувчи ҳолатларда тиббиёт муассасаларига шошилинч тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш тақиқланади.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 йилда шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури (бундан буён — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тез тиббий ёрдам хизматининг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасалари билан самарали интеграциясини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (бундан буён — РШТЁИМ), унинг филиаллари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати ихтисослаштирилган автотранспортини замонавий тиббий ускуналар ва рақамли радиоалоқа воситалари (рациялар) билан жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш;

**(Давоми 2 ва 3-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш билан шуғулланувчи туманлараро диагностика лабораториялари ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари таркибига киритилади ва марказларга ушбу лабораторияларни молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ҳамда фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш юкланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамоат ташкилотлари фаолияти ва ҳамкорлигини мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат дастурига киритилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин;

келгуси йилларда ретровирусга қарши препаратлар ва ОИВ инфекциясини юқтирган шахсларни даволаш самарадорлиги мониторингини олиб бориш учун зарур бўлган тест-системалар билан таъминлашга Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш босқичма-босқич ошириб борилишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган диагностикумлар ва тест-системаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси устидан мониторинг олиб борилишини ва ҳар чоракда амалга оширилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботлар тақдим этилишини таъминласин;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларини (заёмларини) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда тиббиёт муассасалари раҳбарларини мазкур муассасалар томонидан шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш асоссиз равишда рад этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-1114-сонли қарорининг 2-банди ва унинг 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йилда шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури бажарилишининг таҳлилларига асосан 2019 йилда шошилинч тиббий ёрдам тизимидаги комплекс тадбирларни янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Акмалов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 январь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 18 октябрда ўтказилган соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, келгусидаги вазифалар ва истиқболдаги режаларга бағишланган мажлис баёнида белгиланган топшириқни ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган.

Халқимизнинг соғлиғини янада мустаҳкамлаш, етук ва баркамол авлодни тарбиялашни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда энг такомиллашган ва замонавий шарт-шароитларни яратишга, тиббий хизматлар сифатини янада оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида, учрашувларда халқимиз ўз ҳаётидан рози бўлиши учун энг аввало унинг сифатли тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш зарурлигини қайта-қайта қайд этмоқда.

Бугунги кунда шошилинч тиббий ёрдам тизимининг таркиби Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари, тез тиббий ёрдам станциялари ва санитар авиацияси хизматини ўз ичига олади. Ҳар йили шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларида 600 мингдан ортиқ бемор стационар даволанмоқда, 1 миллиондан ортиқ кишига амбулатор тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, тез тиббий ёрдам хизмати томонидан эса йилига 7 миллиондан ортиқ чақириққа хизмат кўрсатилмоқда.

2017 йилда тез тиббий ёрдам хизмати учун 1269 та ихтисослаштирилган автотранспорт харид қилинди ва бунинг натижасида ҳудудларнинг ушбу техникага бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланди. Тез тиббий ёрдамнинг сайёр бригадаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш кўрсаткичи 2 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тез тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ҳали-ҳануз замонавий талабларга жавоб бермайди. Сайёр бригадаларнинг бир марта қўлланиладиган тиббий буюмлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминланганлиги қониқарсиз даражада қолмоқда.

103 телефон рақами орқали тушаётган ҳар бир чақириқни, унинг устуворлик ва шошилинчлик даражасидан қатъи назар, сўзсиз бажариш қоидасига асосланган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тузилмасини оқилона тузилма, деб бўлмайди. Ҳозирги кунда тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан бажарилаётган чақириқларнинг 30 фоизи инсон ҳаётига хавф туғдирмайдиган сурункали касалликлар бўйича бажарилаётгани бундан далолат беради.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ушбу тизимни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари, тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти сифати ва натижадорлигини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасида илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари назарда тутилган. Булар:

тез тиббий ёрдам хизматининг бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини муассасалари билан самарали интеграциясини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини, у томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиаллари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилинч тиббий ёрдам бўлимларининг ҳамда тез тиббий ёрдам бригадаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва ҳудудий филиалларининг кадрлар, илмий ва техник салоҳиятини кенг жалб этиш йўли билан тизим учун тиббий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ва РШТЁИМ ҳудудий филиаллари тез тиббий ёрдам станциялари қошида тез тиббий ёрдамни чақиришга мўлжалланган туну кун ишлайдиган, ягона телефон рақамининг узлуксиз фаолиятини таъминлайдиган Call-марказлар ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бирга, Президентнинг қарори билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида ҳудудларга амалий ёрдам бериш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мутахассисларининг минтақаларга мунтазам равишда чиқишларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шошилинч ҳолатларда ташхис қўйиш ва даволашнинг янги, самарали технологияларини яратишга қаратилган истиқболли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, шу жумладан, интервенцион кардиология, кардиохирургия, нейрохирургия, микрохирургия, эндовидеохирургия усулларини кенг ва тизимли равишда жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам тизимининг врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари, илмий ва илмий-педагогик кадрларини жаҳоннинг етакчи хорижий клиникаларида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

қарорнинг тегишли банди билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бир ой муддатда тиббиёт муассасалари раҳбарлари шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифаси юклатилди.

Мутахассислар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар даражасини ошириш, шошилинч вазиятларда ташхис қўйиш ва даволашнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ушбу қарордан кутилаётган натижалар ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, даволаш жараёни самарадорлигини оширибгина қолмай, балки стационарда даволаниш муддатларини ва ушбу мақсадлар учун сарф-харажатларни қисқартиришга хизмат қилади;

фуқароларнинг малакали тиббий хизматларга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади;

тез тиббий ёрдам хизмати амалиётига замонавий илмий-техник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўли билан унинг тезкорлиги, сифати ва самарадорлиги даражаси оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қарор ва у билан тасдиқланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар шошилинч тиббий ёрдам тизимини, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштиришда, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги даражага кўтаришда, илғор хорижий тажрибани амалиётга жорий этишда, соҳада мутахассис-олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот фаолияти кўламларини кенгайтиришда дастуриламал бўлади.

Сўз аҳоли соғлиғи, инсонларнинг манфаатлари, халқнинг фаровонлиги ҳақида борар экан, ушбу масалалар доимо диққат-эътиборда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб этиш бўйича зарур чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш соҳаларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишларни олиб борсин, илмий ва инновацион тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар, хусусан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ходимлари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш шартлигини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича ахборот-маърифий ишларни олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тармоқ режасини тасдиқласин ва бажарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

даволаш-профилактика муассасалари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда стерилизация бўлимлари ва пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий аппаратлар ва асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

даволаш-профилактика муассасаларини бир маротаба ишлатиладиган тиббий асбоб-анжомлар, тест-системалар, диагностикумлар ва сарфловчи материаллар билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган Давлат дастурининг ижроси таҳлили натижалари бўйича 2019 йилда ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасидаги комплекс чора-тадбирларни янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 январь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлашуви ва ОИВ инфекцияли шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдамнинг таъминланишига қарамасдан, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича бир қатор долзарб масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Хусусан, ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИВ диагностик лабораторияларининг моддий-техника базаси 2010 йилда янгиланганидан сўнг маънавий ва техник эскирган ҳолатга келган.

ОИТСга қарши кураш хизмати вазиятни "реал вақт" режимида таҳлил қиладиган ва ўз вақтида ҳамда самарали тадбирларни белгилашга имкон берадиган ягона маълумотлар базасига эга эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан беморни вирусга қарши даволашни, касалликнинг босқичидан қатъи назар, касаллик аниқланган кундан бошлаш тавсия этилганлигига қарамасдан, ҳозирги вақтда фақат 47% ОИВ инфекцияли беморлар касалликнинг ривожланган босқичига келиб даволанмоқда.

Антиретровирус препаратларини харид этишга Давлат бюджетидан маблағ ажратилмаганлиги сабабли, даволаш ишларида узилишлар бўлиши ва ОИВнинг антиретровирус препаратларига чидамли штаммлари пайдо бўлиш хавфи мавжуд.

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқиши олдини олиш учун ОИВ инфекцияли оналардан туғилган чақалоқларни 6 ойлик бўлгунга қадар сунъий сут аралашмалари билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган.

Хавфли гуруҳлар орасида олиб борилаётган профилактик тадбирлар фақат донорлик маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Кўрсатилган муаммолар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 18 октябрида ўтказилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳволи ва келгусидаги вазифаларга бағишланган мажлисда муҳокама этилиб, ОИВ инфекциясига қарши кураш соҳасида кенг қамровдаги тадбирларга қаратилган Давлат дастурини ишлаб чиқиш топширилган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини замонавий ва янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсадида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қуйидаги йўналишдаги мажмуавий чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган:

ОИВ инфекциясининг тарқалиши сабаблари ва шароитларини ҳудудлар бўйича мунтазам таҳлил этиш, миллий анъана ва маънавий-ахлоқий асосларни инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламлари орасида мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий молиявий, моддий ва кадрлар ресурслари сафарбар қилинишини кўзда тутувчи ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар режаларини қабул қилиш;

мамлакатда ОИВ инфекцияси профилактикаси, ташхис қўйиш ва уни даволаш соҳаларида маҳаллий илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этишни таъминлаш, шунингдек, соҳа бўйича етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ОИВ инфекцияси ва ёндош касалликларни аниқлаш учун замонавий диагностикумлар ва тест-системаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу жумладан, инвестицияларни жалб этиш ва давлат — хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишда етакчи халқаро таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликдаги илмий-амалий тадбирларни амалга ошириш;

юқори сифатли ретровирусга қарши дори воситаларини харид қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

ОИВни юқтириб олганларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни кучайтириш, шунингдек, ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болаларни қуруқ сут аралашмалари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

ОИТСга қарши кураш муассасаларининг, шу жумладан, туманлараро ОИВ диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича фаолиятни тизимли таҳлил этиш ва тадбирларни режалаштириш учун тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш.

Ушбу қарорни қабул қилиш ва амалга ошириш орқали кутилаётган натижалар:

аҳолини ОИВ инфекциясига ва ёндош касалликларга текширувлар билан қамраб олишни амалга ошириш орқали мамлакатда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият барқарорлашувини мустаҳкамлаш;

ОИВ инфекцияси диагностикаси ва даволаш тадбирлари самарадорлигини ошириш, ОИВ инфекцияли шахсларда касаллик ташхиси тасдиқланиб, диспансер назоратига олинган вақтдан бошлаб махсус даволаш стратегиясини амалга ошириш мақсадида ОИВ инфекцияли шахсларни ретровирусга қарши терапия билан босқичма-босқич қамраб олишни давом эттириш;

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам бериш ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу борадаги сертификатига эга бўлиш;

ОИВга ихтиёрий маслаҳат ва тиббий текширувдан ўтиш қамровини ошириш ва касалликнинг олдини олишнинг янги услубларини татбиқ этиш, шу жумладан, олис ҳудудлар ва аҳоли гавжум жойларда кўчма лабораториялардан фойдаланиш, ОИВ масалалари бўйича индивидуал ва конфиденциал маслаҳатлар бериш учун "ишонч телефонлари"ни ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида ОИВ инфекцияси мавзусини ёритишнинг замонавий ёндашувларидан фойдаланиш, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларига ОИВ инфекцияси масалаларини киритиш;

фуқаролик жамияти ташкилотлари, дин вакиллари етакчиларини ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасидаги профилактика тадбирлари, ахлоқ-одоб мезонларини шакллантириш, хавфли хулқ-атвор шаклланишининг олдини олиш, ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларга нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлиш борасидаги ахборот-маърифий тадбирларга жалб этиш;

статистик маълумотларнинг аниқлиги ва сифатли тайёрланиши ҳамда тадбирларни самарали амалга ошириш учун ОИТСга қарши кураш хизматида ахборот алмашинувининг тезлиги ва самарадорлигини ошириш;

ОИВ инфекцияси диагностикасида ва беморларни даволашда сифатли, арзон диагностикумлар, тест-системалар ва реагентлар таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш;

даволанишга муҳтож ОИВ инфекцияли шахсларни антиретровирус терапия билан қамраб олиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг ОИВ инфекцияси масалалари бўйича малакасини ошириш;

аҳолининг ОИВ инфекцияси масалалари бўйича хабардорлигини ошириш ва уларда ОИВ инфекцияли шахсларга нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ОИВ инфекцияли шахсларни эрта аниқлаш, касаллик бошқаларга юқишининг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни тез амалга ошириш ва беморларни самарали даволаш ҳамда уларга зарур бошқа тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича янги сифатли босқич бўлиб хизмат қилади ва мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича олган мажбуриятлари тўлақонли бажарилишини таъминлайди.

